(? – 1810-й.й)
(1801-1810)

Кўкон хони. Минглар сулоласидан. Норбўтабийнинг ўгли. Унинг даврида салтанат худудини кенгайтириш давом эттирилади. У Охангарон, Чимкент, Сайрам, Тошкент вилоятининг хаммасини, Россияга борувчи карвон йўлларидаги мухим манзилгохларни забт этади. У Бухоро амирлигига карши туришга кучи етажагини кўриб хон унвонини кабул килади, давлати эса Кўкон хонлиги деб атала бошланди. Пойтахт – Кўконнинг сиёсий ахамияти ошган. Олимхон тогли тожиклар: коратегинлар, шўгнонликлар, бадахшонликлар, эронийлар ва бошкалардан иборат ёлланма кўшин тузган. Бу кўшин хокимиятни марказлаштириш учун курашда унинг таянчи бўлган. Олимхон даврида Россия билан 1-марта савдо алокалари ўрнатилган. Олимхон диний сохада хам ўзгаришлар килишга интилган, хусусан, диний унвон хисобланган “ешон”ни бекор килади, камбагал, бечораларга ва каландарларга ер майдонлари ва чорва беради, шу билан уларни ижтимоий-фойдали мехнатга жалб килади. Айрим диний арбобларни имтихон килади ва фош килинганларни жазолайди. Уламолар унинг бу хатти-харакатларидан норози бўладилар. Унинг Тошкентдалигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар, у ўлдирилади, деб миш-миш таркатадилар. Тахтга унинг укаси Умархон ўтказилади. Олимхон хиёнатни билиб колиб, киска йўл билан Кўконга жўнайди. Ёълда кўйилган пистирма Олимхонни отиб ўлдиради.
Кўкон хонлигининг мавкеи айникса Олимхон замонида юксалади. Аввало мазкур хукмдор хонлик макомини кабул килгани билан машхурдир. Мингларнинг ундан кейинги намояндалари хам хон макомида бўлганлар. Шу сабабдан хам 1709-1876-йиллари маркази Фаргона водийси хисобланган ва нинглар номи билан бўглик сиёсий бирликни Кўкон хонлиги дейиш одат тусига кирган.
Олимхон Кўкон хонлигининг кучайиб боришида ўзини кўрсатганлардан биридир. 1805-йили у Хўжандни эгаллаб, юкорида айтилганидек, Фаргона водийси учун стратегик ахамият касб этган мазкур чегарани узил-кесил хонлик таркибига киритади. 1809-йили эса ХВИИИ аср охирларидан бошлаб мустакил бўлиб олган ва шайх Хованд Тохур (хозирда Шайхонтохур номи билан машхур ХИВ асрнинг кўзга кўринган дин пешволаридан) авлодларидан бўлмиш Юнусхожа (1784-1801) етакчилик килаётган Тошкент вилоятини хам Кўконга бўйсунтиришга эришади. Натижада Сайрам ва Чимкент томонларга караб силжиш имкони тугилади. Шу тарика у Туркистон (Ясси) ва Авлиё отагача бўлган ерларда харбий юришлар уюштиради.
Олимхон харбий ислохот ўтказиб, Хўжандни, Охангарон вохасини, Тошкент,Чимкент ва Туркистонни ўзига бўйсунтирди. Натижада, Россия билан савдо йўли очилади. У ўз давлатини 1805-йили расман Кўкон хонлиги деб эълон килди, ўзига эса “хон” рутбасини олди ва уни расман Олимхон деб атай бошлашди. Олимхоннинг марказлашган нисбатан кучли давлат тузишга интилаётганлиги айрим кабила бошликлари орасида кескин норозилик тугдирди. Натижада, улар Кўконда «Олимхон Тошкентда ўлди» деб миш-мишлар таркатишади ва унинг укаси Умарбекни хон деб эълон киладилар. Олимхон бундан хабар топиб Кўконга бормокчи бўлади, аммо, йўлда Олтикуш мавзеида

андижонлик Камбар мирзо шериклари билан Олимхонни отиб ўлдирадилар.